2016 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 35 (13.098)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА СОҲАДАГИ ЮТУҚЛАРИ ЯПОНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

Япония матбуот марказида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси ҳамда "Япония — Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Кунчиқар юрт парламенти ва ҳукумати аъзолари, вазирлик ҳамда идоралар, ижтимоий, илмий, ишбилармон доиралар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Улар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритган муваффақиятлари билан яқиндан танишдилар.

2015 йилда мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури натижалари ҳамда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган жорий йилда ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Унинг доирасида ўзбек миллий либослари намуналарининг кўргазмаси, концерт дастури ўтказилди.

"Япония — Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси президенти Нобухико Шима мазкур тадбир ташкил қилинганидан жуда мамнунлигини билдирар экан, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар изчил ривожланиб бораётганини қайд этди. У Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрда Тошкентга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлгани, унинг якунлари бўйича савдо-сармоявий, энергетика, илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан кўпгина ҳужжатлар имзоланганини таъкидлади.

— Япония ҳукумати Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга устувор даражада эътибор қаратади, — деди Нобухико Шима. — Марказий Осиё минтақаси марказида жойлашган Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётгани, барча соҳада тараққиётга эришилаётгани катта қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, республика макроиқтисодий кўрсаткичида барқарорлик мустаҳкамланаётгани хорижлик ишбилармонларни ўзига жалб қилаётир. Чунки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги мураккаб шароитда ишончли сармоявий муҳит улар учун жуда муҳим. Бундай изчил саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда хориж капитали тобора ўсиб бормоқдаки, уларнинг катта қисми ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилаяпти.

Майдзуру шаҳар мэри Риодзо Татами юртимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг самарадорлиги эътиборини тортганини айтиб ўтди.

— "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида 2015 йилда амалга оширилган ишлар кўлами ҳақидаги маълумотлар бизда катта қизиқиш уйғотди, — деди у. — Мамлакатда кекса авлод вакилларининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар таҳсинга лойиқдир. 2016 йилнинг Ўзбекистонда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши эса эртанги фаровон кун учун мустаҳкам пойдевордир. Негаки соғлом она ва бола бахтли оила асоси, бахтли оила эса фаровон жамият гарови ҳисобланади.

"Honda" халқаро жамғармаси бош директори Юзуру Мацуно Ўзбекистоннинг ноёб маданияти ва бой маънавий мероси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашар экан, булар хорижий давлатлар жамоатчилиги эътиборини оҳанрабодек ўзига тортаётганини эътироф этди.

— Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг сайёҳлик инфратузилмаси шитоб билан ривожланиб бормоқда, — деди у. — Барча қулайликка эга бўлган замонавий меҳмонхоналар қурилаётгани, хизмат кўрсатишнинг юксалиши, аэропорт ва темир йўл вокзалларининг модернизация қилингани фикримни тасдиқлайди. Юртингизга ташриф буюраётган меҳмонлар унутилмас таассуротлар билан қайтишаяпти. Республикада экотуризм, тиббий ва маданий сайёҳлик, альпинизм ҳамда рафтинг сингари янги йўналишлар тобора равнақ топаётгани ҳам дунё туристларининг меҳрини қозонмоқда.

"Жаҳон" АА.
Токио

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Темур Мамадалимов олган сурат

УНУТИЛМАС ОНЛАР

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар бўлажак аскарларга йигитлик бурчини сидқидилдан адо этишларини тилади.

...Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ёш ҳарбий хизматчилар қалбини фахрланиш туйғуси чулғаб олади. Бу онлар ҳар бир ўғлон хотирасида бир умр сақланиб қолади.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Э.Тоштемиров бугунги кунда ихчам, ҳаракатчан ва юқори мудофаа қобилиятига эга миллий армиямиз сафларида соғлом ва бақувват, ақл-заковатли, дунёқараши кенг, маънавий-психологик тайёргарликдан ўтган мард йигитлар хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бунга Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида эришилмоқда. Бугун Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш ҳар бир ўғлоннинг эзгу орзуси, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорликни асраб-авайлаш уларнинг йигитлик бурчидир.

Баҳодир Комилов – ҳарбий хизматга чақирилганлардан бири. Бобоси, отаси ва акаси ҳарбий бўлгани боис Баҳодир ҳам уларнинг изидан бориб, оилавий анъанани давом эттиришни ўз олдига мақсад қилган.

– Бобомнинг Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигит учун шараф, деган сўзларини доимо эсимда тутаман, – дейди Баҳодир ЎзА мухбирига. – Ота-онам бизни ватанпарварлик ва туғилиб ўсган юртимизга садоқат руҳида тарбиялаган. Акам ва мен болалигимиздан ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилганмиз. Келажакда тиббиёт соҳасида билим олиб, ҳарбий шифокор бўлмоқчиман. Бу борада армия мен учун катта мактаб бўлади.

Тадбирда чақирилувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Р.БОНДАРЧУК

ВАТАН МАНФААТИ — БИРЛАШТИРУВЧИ ҒОЯ

Миллий матбуот марказида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан "Бизни бирлаштираётган ғоя" мавзуида анжуман ташкил этилди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Мавруллов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар қалбига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори, "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этишда муҳим дастурулмал бўлмоқда.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида мамлакатимиз эришган ютуқ ва марраларни, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшларга содда, самимий ва таъсирчан мисоллар ёрдамида тушунтиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда махсус китоб тайёрланиб, тарғиботчиларга тарқатилаётир. Қатор мультимедиа маҳсулотлари, рисолалар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, мақола ва буклетлар истиқлол йилларида эришган улкан ютуқларимиз, миллий қадриятларнинг тикланиши, кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари аҳамиятини тарғиб қилиш, шунингдек, ёшларимизни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этиш, уларни ақидапарастлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик, "оммавий маданият", ахлоқсизликдан асрашга қаратилган кенг кўламли ишларда асқотмоқда.

2015 йилда ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида 8 қисмдан иборат плакатлар мажмуаси чоп этилиб, маънавият тарғиботчилари ва кенг оммага тақдим этилди. 75 номдаги медиатақдимотлар тайёрланиб, жамланган ҳолда дискларга ёзилиб, вазирлик ва идораларга етказиб берилди.

"Болам бахтли бўлсин, десангиз...", "Мафкуравий ҳаётнинг долзарб масалалари" номли рисолалар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган ўқув-тренинглар иштирокчилари учун муҳим қўлланма бўлди.

Марказ томонидан ҳозирга қадар мустақиллик йилларида миллий ғоямиз рўёбини ёритишга қаратилган 150 га яқин номда китоб ва рисола, 20 га яқин мультимедиа, 30 хил номда буклет, 70 дан ортиқ медиатақдимот ишлаб чиқилиб, Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда ҳудудлардаги тарғиботчиларга етказилган.

Маънавият ва маърифат соҳасидаги эзгу ишлар жорий йил ҳам изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, "Маслаҳатчи масъулияти", "Маънавият тарғиботчисининг ён дафтари", "Ёш тарғиботчи масъулияти", "Аёл маънавияти" номли туркум рисолалар, шунингдек, Соғлом она ва бола йилига бағишланган қатор рисола ва китоблар нашр этиш назарда тутилган. Энг муҳими, юртимизнинг мафкуравий харитасини тузиш ишлари ниҳоясига етказилади.

Анжуманда мафкуравий соҳада амалга оширилган тадқиқот ишлари, чоп этилган китоб, журнал ва рисолалар тақдимот қилинди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жойларда ўтказилаётган туркум анжуманлар доирасида Наманганда "Давлат органларида юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари: мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.**
- **Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлиб ўтди.**
- **Сирдарёда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон – бағрикенг диёр" деб номланган фотокўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимизни кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фото санъати усталари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.**
- **Навоийда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2015 йилги фаолияти натижалари ва жорий йилдаги муҳим вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**
- **Қаршида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали уларни ёт ғоялардан асраш, салбий ахборотлар таъсиридан ҳимоялаш масалаларига бағишланган тадбир ташкил этилди.**

ЖАҲОНДА

- **Янги Зеландия Жанубий оролининг шарқий соҳилидаги Пегасус кўрфазида 5,7 магнитудали зилзила содир бўлди. Зилзила марказидаги силкинишларнинг шиддатидан келиб чиқиб, ер қимирлаши жуда қаттиқ бўлди, дея баҳоланмоқда.**
- **Канадада кутилмаганда ҳаво ҳарорати 50 даража совуққа тушиб кетди. Мамлакатнинг марказий ва шарқий ҳудудларида экстремал совуқ ҳарорат ҳукм сурмоқда. Канада пойтахти Оттавада эса термометр кўрсаткичи 32 даражалик совуқни кўрсатмоқда. Бундай совуқ ҳарорат Канадада икки кун ҳукм суради. Шу боис очиқ ҳавода ўтказилиши режалаштирилган барча тадбирлар бекор қилинди.**
- **Финляндиянинг миграция сиёсати турли миллатлар ўртасидаги никоҳларга ҳам таъсир кўрсатадиган бўлди. Эндиликда Европа Иттифоқи фуқаролигига эга бўлмаган аёл билан турмуш қурмоқчи бўлган Финляндия фуқароси учун ҳар ойда камида 1700 евро миқдорида даромад топиш шарти қўйилади.**

Мамлакатимизда истиқлол йилларида болалар спортини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиб, йилдан йилга такомиллаштирилмоқда. Бугун юртимизда халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда.

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ АВЛОД

Бу борада таълим-тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, мамлакатимизда мазкур йўналишга қаратилаётган улкан эътибор, кенг кўламли ислоҳотлардан кўзда тутилган бош мақсад ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтириш орқали истиқболимиз эгаларининг етук бўлиб вояга етишларига эришишдан иборатдир.

Ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг тизимлилиги ва сифатини ошириш, кўламини кенгайтиришда эса, бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида бу соҳада мамлакатимизда катта амалий тажриба тўпланди. Натижада жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида, хусусан бир пайтлар юртимиз спортчилари орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида истиқлол фарзандлари кенг ва фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Албатта, юртимизда яратилган бундай шароит ва имкониятлар ёшларимизни соғлом ва баркамол авлод бўлиб етишларида, пировардида ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда жаҳонда унинг обрўсини кўтаришга хизмат қилади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелдаги "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори аҳолимизнинг аксарият қисми истиқомат қилаётган қишлоқларда қизларни спорт билан фаол шуғулланишига алоҳида имконият яратди. Бундан кўзланган асосий мақсад аввало, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш эди. Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов раислигида Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Юртбошимиз қиз болаларни оммавий спортга жалб этиш борасидаги амалий ишлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар. Рақамлардан кўриш мумкинки, 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этган. Бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда эса 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётгани қувонарли ҳолдир.

Бу ишларни янада изчил давом эттириш ҳақида Юртбошимиз гапириб, шундай дедилар: "Чунки қизларимиз тимсолида биз аввалambор бўлғуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур".

Йиғилишда 2015 йилда амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Биргина ўтган йили 1 минг 668 нафар спортчи, жумладан, 567 нафар қизлар 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 та медални қўлга киритгани, ёш иқтидорли мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринга сазовор бўлгани ва уларнинг 76 таси Гран-при ва биринчи ўрин соҳиби бўлгани ҳар бир ватандошимизнинг қалбини фахру ифтихорга тўлдиради.

Албатта, мазкур натижалар замирида улкан меҳнат ва юксак эътибор, соҳани ривожлантиришга комплекс ёндашув ётганини эътироф этиш жоиз. Аммо вазифа шу билан тугамайди. Яъни, эндиликда мазкур масканларда берилаётган таълим-тарбия сифатини ошириш, яратилган имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланиш, фарзандларимизни ушбу таълим масканларига кенг жалб қилиш устида тинмай изланишимиз керак. Бу борада энг замонавий ва илғор тажрибаларни ўрганиш билан бир қаторда ўқитиш методикасини яна бир бор таҳлил қилиб чиқишимиз, мутасаддилар билан ҳамкорликда биз депутатлар ҳам бунга масъулият билан ёндашишимиз лозим.

Хусусан, соҳани ривожлантириш йўлида қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлар ижроси устидан самарали депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, бу борадаги қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўришда алоҳида фаоллик талаб этилади.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари томонидан болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ишларини изчил давом эттириш, бунинг учун яхлит янги концепция ишлаб чиқиш лозимлигига эътибор қаратилди. Шундай экан, мазкур жараёнларда биздан кўп сонли халқ вакиллари, қонун яратувчилар ва энг асосийси, юртимизнинг фидойи фуқароси сифатида алоҳида ташаббус ва фаоллик талаб этилади.

Элбек ШУКУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб қилиш" мавзуида

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Оила ва жамиятда аёлларнинг роли ҳамда мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши ҳамда кундалик уй меҳнатини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

2. Қиз болалар, бўлажак оналарнинг замонавий билимлар ва касбларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган ишларни кучайтириш, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллаш, келажакда соғлом ва мустаҳкам оила қуришнинг асосий шарти сифатида уларда қатъий ҳаётий позицияни ҳамда мустақил фикрлашни шакллантириш.

3. Мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини, шунингдек, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини аҳоли кенг қатламларига тушунтириш.

4. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини сақлаш ҳамда психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш, уларнинг овқатланиш рациони сифати ва калориялилигини таъминлаш масалалари юзасидан кенг ахборот-тушунтириш тадбирларини ўтказиш.

5. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоялаш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган амалий тадбирларни ташкил этиш.

6. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, эр-хотин, ота-оналар ва фарзандлар, қайнона ва келин, шунингдек, қўшнилар ўртасида ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эзгулик ва меҳр-муҳаббатга асосланган муносабатларни шакллантиришга кўмаклашиш.

7. Жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, азалий миллий қадриятларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда юксак ахлоқий муҳитни қарор топтиришда оиланинг ролини кучайтириш.

8. Оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш, шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 февралдан 10 мартгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда *(А4 форматда)* қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

БАЖАРИЛГАН ИШЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида 2015 йил якунлари ҳамда 2016 йилда қўмита томонидан амалга ошириладиган устувор йўналишларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирни қўмита раиси Ш.Мухамеджанов очиб берди.

Ҳайъат йиғилиши давомида қўмита раиси ўринбосари, барча бўлим ва бўлинмалар раҳбарлари сўзга чиқиб, 2015 йил давомида қўмитада амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил ҳисобот беришди.

Ўтган 2015 йил давомида қўмитада қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилган.

Атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи манбаларни экологик меъёрлаштириш. Таҳлиллар натижасига кўра юқоридаги йўналишлар бўйича 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қўмита назоратига олинган объектлар жами 4 252 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб ушбу кўрсаткич 6 409 тага етди ёки 50,7 фоизга ошди.

Давлат назоратини амалга ошириш. 2015 йил иш якунларига кўра, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат инспекцияси томонидан 117 та режали комплекс текширувлари, битта режадан ташқари қисқа муддатли текширув, аввалги текширувларда берилган кўрсатмаларнинг бажарилиши юзасидан 86 та назорат тартибидаги текширувлар, бюджет томонидан молиялаштириладиган корхона ва ташкилотларда 311 та текширувлар ўтказилди.

Текширувлар пайтида корхоналар балансидаги 504 та автотранспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори ўрганилиб, шундан 84 тасида заҳарли газлар миқдори меъёрдан юқори эканлиги аниқланди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли ташкилотлар билан қўшма тадбирларни бажариш. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 18 январдаги №БА-01/12-01 ҳамда №24/3-3030-сонли кўрсатма хатига асосан Тошкент шаҳрида икки босқичдан иборат "Тоза ҳаво" ойлиги тадбири ўтказиб келинмоқда.

Тадбирнинг биринчи босқичи доирасида 2015 йилнинг апрель-май ойида 15 082 дона автоуловларда ис гази ва тутун қалинликларини ўлчаб назорат қилиш ишлари амалга оширилди. Шундан 1 093 та автотранспорт воситаларида ис гази ва тутун қалинликларининг меъёрдан ортиқлиги аниқланди.

Тадбирнинг иккинчи босқичи 2015 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида бўлиб ўтди ва жами 13 572 дона автоуловларда ис гази ва тутун қалинликлари назоратдан ўтказилди. Шундан 971 та автотранспорт воситаларида ис гази ва тутун қалинликлари меъёрдан кўп чиқди.

Аналитик назоратга ихтисослашган инспекция фаолияти тўғрисида. Атмосфера ҳавосини назорат қилиш секторида 2014 йилнинг 12 ойи давомида атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни асбоб-ускуналар ёрдамида ўлчаш йўли билан мониторинг қилиш мақсадида, 19 та корхона 854 та манбада 6 836 та кимёвий ва тезкор таҳлиллар ўтказилган. 2015 йилнинг мос даврида эса 15 та корхонадаги 828 та манбадан 2 596 та кимёвий ва тезкор таҳлиллар бажарилди.

Шунингдек, якунланган йил давомида 6 та корхонадан ва 5 та каналдан 420 та намуналар олиниб, 7 053 та таҳлиллар ўтказилди.

Ҳисобот даврида "Тошшаҳдавэкоэкспертиза" ДК томонидан 1 600 та экологик экспертиза хулосалари берилди.

Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармасига тушумлар ва харажатлар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли қарорига асосан, чиқиндиларни жойлаштирганлик ҳамда атроф-табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаганликлари учун корхона ва ташкилотлар томонидан 2015 йил давомида маҳаллий жамғарма ҳисобига келиб тушиши режалаштирилган пул маблағлари тушуми 100 фоиз бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 26,4 фоизни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тадбирларини амалга ошириш юзасидан 2015 йил учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши. Мазкур чора-тадбирлар дастури Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси билан келишилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари Ахборот-таҳлил департаменти томонидан тасдиқланган бўлиб, 11 та бўлим ва 224 та банддан иборат бўлиб, барча бандлар ўз вақтида бажарилди.

Ҳайъат йиғилиши давомида 2016 йилнинг 15 январида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган, 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқиб, қўмитада 2016 йилда амалга ошириладиган қуйидаги долзарб ва муҳим йўналишлар белгилаб олинди:

— Бошланган тизимли демократик ислоҳотларни ва мамлакатни модернизациялаш, энг аввало саноат ва қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш. Иқтисодиётда давлат улушини камайтириш;

— 2015-2019 йиллар учун қабул қилинган йўлтранспорт инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлар режасини давом эттириш;

— Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

— Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш;

— Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг иштирокига ёрдам бериш;

— Иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, "электрон ҳукумат" тизимини яратишни жадаллаштириш;

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш.

Азизжон КАЛИМБЕТОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ахборот хизмати бошлиғи

Пойтахтимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 2015 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда 2016 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ



Унда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, фикри тиниқ, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада ёшларнинг таянчи ва суянчи бўлган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётгани қувонарлидир.

2015 йил давомида Ҳаракат томонидан жами 4440 лойиҳа ва тадбирлар ташкил этилиб, уларга 518 168 нафардан зиёд ёшлар қамраб олинди. Алоҳида таъкидлаш жоизки 2015 йил давомида Ҳаракат тизимлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Тадбирда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Мурод Зуфаровнинг маърузаси тингланди.

Йил давомида ёшларни давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида 149 дан ортиқ учрашувлар ташкил этилган.

Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент шаҳар идоралараро комиссия таркибидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда ёшларга одам савдоси жабрланувчиларига айланиб қолишнинг салбий оқибатларини тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, уларнинг маънавий ва ҳуқуқий савияларини ошириш мақсадида 120 та тарғибот тадбирлари амалга оширилиб, 10 254 нафар ёшлар қамраб олинган.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси бўйича жами 487 та ёшлар гуруҳлари ташкил этилиб, 680 нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти қатнашчилари, ёлғиз қарияларнинг уйларига ташрифлар уюштирилган.

Тошкент шаҳрининг туманларида "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилиб, 65 дан ортиқ тарғибот тадбирларига қарийб 42 220 нафар ёшлар жалб қилинди.

Шунингдек, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида "Менинг бизнес ғоям" танловининг Тошкент шаҳар босқичи юқори савияда ташкил этилиб, ўтказилди.

Тошкент шаҳрида "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси доирасида 292 та меҳнат гуруҳлари ташкил этилиб, 3262 нафар ёшлар мавсумий иш билан таъминланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий Кенгашлари қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлар" марказларидаги тўгаракларга 7774 нафар ёшлар жалб этилган бўлиб, улардан 21 нафари ИИБ профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган ёшлар, 2942 нафари кам таъминланган оила фарзандларидир.

Ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2015 йилда Бектемир, Учтепа ва Сергели туманларида 5 та "Камолот уйлари" қурилиб, ёш оилаларга фойдаланишга топширилди.

"Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика танловида 2015 йилда жами 6640 нафар ёшлар ўз истеъдод ва иқтидорларини намоён этдилар.

Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар турмуши бузилишининг олдини олиш ҳамда ёшларнинг тиббий саводхонлигини юксалтириш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказилди.

"Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини янада жонлантириш, олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан ўтган йилда бир қатор тизимли тадбирлар амалга оширилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар муҳокама этилиб, таклиф ва тавсиялар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зарина РУСТАМОВА

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

БИР КЕЛИБ-КЕТИНГ МАҲАЛЛАМИЗГА...

Хабарингиз бор, биз илгари ҳам "Бир келиб-кетинг маҳалламизга" сарлавҳаси остида шаҳримиз маҳаллаларидаги ободонлаштириш ва озодалик ишлари ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бу гал ҳам ушбу долзарб мавзуни давом эттириш ниятидамиз. Маълумки, ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари пойтахтимизда "Тозалик куни" деб белгиланган. Бундан шаҳримиз кўчалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли истиқомат қиладиган кўп қаватли уйларнинг ён-атрофи, кириш йўлаклари, болалар майдончалари ва бошқа жойларни озода сақлаш мақсади кўзда тутилган.

Албатта, шаҳримизда бу борада намуна бўлаётган илғор маҳаллалар, обод, ораста ва сариштa корхона ва ташкилотлар, шинам ва озода кўп қаватли уйлар – талайгина. Лекин, орасталикка путур етказаётган, кўнгилни хира қилаётган баъзи ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Бу галги сафаримизни **Миробод** туманидан бошладик.

"Салар" маҳалласида 9 қаватли бир-биридан чиройли кўп қаватли уйлар қад ростлаган, йўлаклар тоза, озода.

Ат-Термизий маҳалласидамиз. Бу ерда 9 та кўп қаватли уйларда 778 хонадон мавжуд бўлиб, уларга 5 та ширкат хизмат кўрсатмоқда. 10/1-уйнинг орқа томони чиқинди ва шох-шаббаларга тўлиб кетган. Бу уйга "Ситора сервис плюс" ХУЖМШ хизмат кўрсатар экан. Ажабланарлиси, бундай нохуш ҳолатнинг олдини олишга на ширкатдагилар, на яшовчилар ҳаракат қилишмаяпти. Абдулла Авлоний номли маҳаллада жойлашган 9-уйнинг 7-йўлаги батартиб, бироқ 4-уйнинг йўлагида бутунлай ўзга манзарага дуч келдик: кириш эшиги таъмирталаб аҳволда.

"Истиқлол" маҳалласи ҳудудидаги 6-спорт мактаби янгидан қуриб фойдаланишга топширилибди, кўриб ҳавасингиз келади. Ундан сал нарироқ ўтсангиз 294-умумтаълим мактаби бор. Таълим масканига яқин 4, 5, 6, 7, 8-уйлар атрофи тупроқ уюмларига тўлиб кетганлигидан дилингиз хира тортади.

Кейинги манзил **Яккасарой** тумани Ҳамид Сулаймон кўчасидаги 36-уй эътиборимизни тортди, дарахтлар қалинлашиб, девор кўринишини олган, уни тартибга келтиришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди. Ички йўллар талаб даражасида эмас, Бахт кўчасидаги 20-уйнинг ҳам аҳволи танг ҳолатда.

"Бошлиқ" маҳалласи ҳудудидаги "Бону" маркети билан мактабгача таълим муассасаси оралиғидаги 5-уйнинг 6-йўлаги атрофи қаровсиз аҳволда эканлиги билан таъбингизни хира қилади. Ушбу кўп қаватли уйга "Бошлиқ озод коммунал" ХУЖМШ хизмат кўрсатар экан. "Яккасарой" маҳалласидаги Яккасарой 1-тор кўчасидаги 10-уйнинг ташқи ҳолати ҳам яхши эмас.

"**Сергели** туманига хуш келибсиз", деган ширин каломдан хурсанд ҳолда туманга кириб келдик. Равон йўллардан юриб, "ярмарка" дан чапга бурилдик. Сергели 4-мавзесида жойлашган "Оқибат" маҳалласидан 37 та кўп қаватли уйлар ўрин олган. 23, 27, 25-уйлар оралиғида бетон плиталар ташлаб қўйилган экан, бизнингча, бу ерларда қурилиш-таъмирлаш ишлари охирига етказилмаган. 30-уйнинг 7-йўлагига турли чиқиндилар уйиб қўйилган. 67-хонадон эшигининг тепасини ис босган, ким яшар экан бу хонадонда деган савол билан эшик қўнғироғини босамиз. Ҳеч ким очмайди...

"Иттифоқ" маҳалласида жойлашган 34-уйнинг девори гўё эълонлар тахтасини эслатади. Бу уйга "Фидойи ёшлар" ХУЖМШ хизмат кўрсатар экан. 34-уйнинг 3-йўлаги томлари осилиб ётибди, ачинарли аҳволда.

"Тинчлик кабутари -1" ХУЖМШ 4 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Йўлаклар таъмирланиб, чиннидай қилиб қўйилган. Болалар майдончаси, машиналар учун автотураргоҳ мавжуд, йўлаклар олдига бир текисда бетон қопламари тўшалган. Ширкат раиси Абдусамат Хўжаниёзовнинг айтишича, кейинги пайтда барча уйлар йўлакларига кодли қулфлар ўрнатилган.

— 8 А-уй, 52-хонадонда истиқомат қиламан, — дейди фуқаро Мадина Султонова. — Мана кўриб турибсиз, йўлакларимиз чиройли, ҳаммаси яхши, кодли қулфлар ўрнатилган, иссиқлик ҳам меъёрида, олдин чакка ўтарди, ҳозир бунга барҳам берилган.

Сергели туманидан қайтишда Жанубий вокзалдан ўтиб, кўприкка чиқамиз. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказидан ўтсангиз, **Чилонзор** туманидаги "Катта Қозиробод" маҳалласидаги ҳовли-жойлар кўзга ташланади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуҳаким Тожибоевнинг айтишича, ҳудудда 36 та кўп қаватли уйлар ва 755 та ҳовли-жойли хонадонлар мавжуд. Бири-биридан чиройли, тартиб билан қурилган ҳовлили уй-жойлар ҳавасингизни келтиради.

"Чилонзор" метро бекатидан юриб, ўнгга бурилсангиз, "Нўғайқўрғон" маҳалласига қарашли кўп қаватли уйлар сизни қарши олади. 16-мавзе, 1 А-уй ва 2 А, 3 А-уйлар оралиғидаги қаровсиз ҳолат таъбимизни хира қилди. 4 А-уй ёнидаги болалар майдончаси қаровсиз аҳволда. Ускуналар синиб ётибди...

— 1 А-уй, 49-хонадонда яшайман, — дейди ёши 70 лардан ошиб қолган Валентина Миркулина. — Уйим пастки қаватда жойлашган, бир неча кундан бери иссиқлик камлигидан қийналаман.

Ботирма кўчасидан йўлнинг у томонига ўтсангиз, 17-мавзеда жойлашган "Ботирма" маҳалласига қарашли кўп қаватли уйларни кўрасиз. Улар орасида қурилиши анча йиллардан бери чала ётган бино кўзга ташланади, мавзедаги 2-уйнинг ён ва орқа томонига қараб бўлмайди, худди ўзингизни чангалзорда юргандек ҳис қиласиз. Сал юрсангиз 3-уйнинг олдида ҳам худди шундай ҳолатга дуч келасиз.

Учтепа туманида саёҳатимизни 11-мавзедаги "Қўрғонтепа" маҳалласига қарашли уйлардан бошладик. 53 ва 50-уй ёнида ташлаб кетилган чиқиндиларни кўрасиз, 50-уй 4-йўлакнинг аҳволи қониқарсиз, 57-уйнинг 9-йўлаги атрофи ҳам чиқиндихонага айланган ва бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ахир лоқайдликнинг ҳам чегараси бор-ку.

Учтепа туманида жами 53 та маҳалла бўлиб, 650 та кўп қаватли уйларга 177 та ХУЖМШ хизмат кўрсатади. 31-мавзеда Ал-Хоразмий номли маҳалла жойлашган. Бу маҳаллада ўз ишини сидқидилдан адо этаётган ширкатлар талайгина. Жумладан, 45-уйга хизмат кўрсатувчи "Комрон сервис 1" ХУЖМШ фаолияти фикримизга мисол бўла олади. Ушбу ширкатга қарашли уйларнинг йўлаклари таъмирланган, тоза ва озода, ҳаммаёқ батартиб, кўрган кишининг ҳавасини келтиради.

Дилни хира қиладиган манзараларни "Бирлик" маҳалласи ҳудудида — 21-мавзе, 15-уй олдида кўриш мумкин. Биринчи йўлак қаровсиз бўлиб ётибди, 25-уйнинг 3-йўлаги чиқиндилар билан тўла.

Шайхонтоҳур туманига ҳам етиб келдик. "Самарқанд дарвоза" маҳалласидан ўтиб, Чорсуга боришда ўнг томонга қайрилсангиз сизни "Қоратош" маҳалласига қарашли кўп қаватли уйлар "қарши олади". 12-уйнинг ўзи бир йўлакли уй экан. Йўлак тартибли таъмирланган, озода, унинг олдидаги болалар майдончаси ҳавасингизни келтиради.

Унга қўшни "Чорсу" маҳалласида 4, 5 ва 9 қаватли уйлар мавжуд. 1-уйнинг 4-йўлаги ва 2-уйнинг 2-йўлаги таъмирталаб бўлиб қолган. 36-хонадонда яшовчи Гулчеҳра Эргашеванинг айтишича, ертўла чиқиндиларга тўла, иссиқлик етарли даражада берилмаяпти.

"Гулобод" маҳалласидаги "Эҳтиёж" ХУЖМШга қарашли 9 ва 10-уйлар оралиғи чакалакзорни эслатади. 10 ва 11-уй оралиғида ёғоч уюмлари тўпланиб ётибди, ҳеч ким бу ерни "тозалаб қўяйлик", демайди.

Шайхонтоҳур туманидан қўшни **Олмазор** туманига ўтамиз. Қорақамиш 1/3 даҳасини айланамиз. "Қичқириқ" маҳалласи ҳудудидаги 49-уй эътиборимизни тортади. Таъкидлаш керакки, сафаримиз давомида бунақанги чиройли уйни бошқа учратмадик.

Уй бошқарувчиси кекса ёшдаги Ойбек Бердиевга қандай қилиб бундай ажойиб натижага эришдингиз? деган саволни берамиз.

— 49-уй 4 қаватли бўлиб, 72 та хонадондан иборат, аҳилликда уй фасадини, кириш йўлакларини таъмирладик, деразаларга акфа ромлар ўрнатдик. Ҳаммасини ўз кучимиз билан қилдик. Аммо "Чўлпон коммуналчи" ХУЖМШ ишидан мутлақо кўнглимиз тўлмайди, биз ободончилик ишларини бажаряпмиз, ширкатнинг роли эса мутлақо кўринмайди.

Қорақамиш 2/1 мавзесидаги "Бўстон" маҳалласида 24 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларга 8 та ХУЖМШ хизмат кўрсатади. Аҳолиси 5 мингга яқин. Ушбу маҳаллада ҳам айрим муаммоларга дуч келдик. 32-уйнинг 2 ва 3-йўлаклари оралиғига чиқиндилар уйиб ташланган. 32 ва 34-уйнинг болалар майдончаси ёнида ҳам шу аҳвол.

Юнусобод туманининг "Янгиобод" маҳалласини айланар эканмиз, биринчи навбатда ҳудуддаги сариштaликдан хурсанд бўлдик. Бу ерда 36 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларга 14 та ХУЖМШ хизмат кўрсатмоқда. 11, 25, 34, 35-уй йўлакларининг таъмирдан чиқарилганлиги билиниб турибди. Айниқса, 34-уйнинг 4-йўлаги намунали ҳолатда.

13-мавзедаги "Аҳилобод" маҳалласида асосан 4 қаватли уйлар жойлашган, 51-уйнинг олд ва орқа томонида чиқиндилар тўпланиб, тартибсиз аҳволда сочилиб ётибди...

Туманнинг Мирзо Улуғбек туманига туташ, "Тош ГРЭС микрорайони" деб аталадиган "Посира" маҳалласига қарашли 26-уйнинг орқа томони ҳам чиқинди билан тўлган.

— 38-уйда яшайман, — дейди Э. Багирова. — Бу ердан темир йўл ўтган, рельс атрофи ахлатхонага айланган, болалар темир йўл орқали ўтиб мактабга боришади, кечаси қоронғу, ХУЖМШ умуман қарамайди, илгариги ширкат раиси доим бу ерни тоза қилиб қараб турарди, ҳозиргисининг умуман иши йўқ.

Мана шунақаси ҳам бўлар экан.

Мирзо Улуғбек туманидаги "Локомотив" истироҳат боғининг шундоққина ёнгинасида жойлашган "Умид" маҳалласидамиз. Маҳалла ҳудудидаги 64-уй ёнидаги қувур очиқ ҳолатда ётибди,

"Баҳор" маҳалласи асосан 5 қаватли ғиштли уйлардан иборат. 23-уй олдидаги лоток ариқларнинг анчадан бери тозаланмаганлиги билиниб турибди.

Марказ – 1 мавзесидаги "Нур" маҳалласи ҳудудидаги 4 қаватли ғиштли уйлар орасталиги, йўлакларнинг озодалиги билан эътиборимизни тортди. Айниқса, 35-уйнинг йўлаклари киши ҳавасини уйғотади.

Сафаримизни **Яшнобод** тумани бўйлаб давом эттирамиз.

Тумандаги Мирзо Улуғбек номли маҳаллага қарашли 22 ва 24-уйлар атрофининг қазиб ташланганлигининг гувоҳи бўлдик. 22-уй бошқарувчиси Ольга Мўминҳоджаеванинг айтишича, икки ҳафта олдин "Тошиссиққуввати"дан келиб ерни кавлаб, ташлаб қўйишди, мана шундан бери аҳвол шунақа.

"Авиасозлар-3" маҳалласи ҳудудидаги 10 ва 11, 12, 5, 6, 7, 9-уйлар ўраб олган жой кишининг ғашини келтиради — чала қолган, ташландиқ дўконлар атрофда хунук манзара касб этган. Ҳолбуки, бу ерда бир ёқадан бош чиқариб болалар майдончасини қуриш мумкин эди.

Туманда ўз йўлакларини чиройли таъмирлаб қўйган уйлар ҳам кўплаб топилади. Мисол учун "Парвоз" маҳалласига қарашли 59-уйнинг 3-йўлаги эгалари кириш қисмидан таъмирлаш ишларини боплашибди. Кўриб кўзингиз қувнайди. Бундан ташқари "Бирлашган" маҳалласига қарашли Бешариқ кўчаси ёнидаги айрим ҳовлилар обод ва шинамлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Бектемир тумани пойтахтимизнинг энг кенжа туманларидан бири бўлиб, бу ерда 12 та маҳалла фаолият юритади. Туманга кичик ҳалқа йўлидан кириб борар экансиз, янгидан фойдаланишга топширилган "Қуёшча нури" маданият ва истироҳат боғи эътиборингизни тортади. "Миришкор" маҳалласи ҳудудидаги 29-уйнинг 7-йўлагини барчага ўрнак қилиб кўрсатса арзийди.

Аммо бу туманда ҳам дилни хира қиладиган ҳолатлар кўзга ташланди. Масалан, Ҳусайн Бойқаро номли маҳаллага қарашли 74-уйнинг 4-йўлаги кириш жойида ҳар хил чиқиндилар уюлиб ётибди. 125-уйнинг 2-йўлаги атрофида ҳам худди шу ҳолатни кўриш мумкин.

Биз юқоридаги мушоҳадаларимиз билан мавжуд маҳаллалардаги икки хил манзарани акс эттирдик. Албатта, гап эгасини топади. Мақсадимиз ўз уйларингиз ва йўлакларингиз, яшаш жойларингизнинг саранжом-сариштa ва тозалигига бефарқ бўлмасликка ундаш ва намунали жойлардан ибрат олиш лозим. Бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Зийрак бобо шаҳар кезишда давом этади. Бундан кейин: корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари атрофидаги ободонлаштириш ва тозалик ҳақида сўз юритамиз. Шу жойлардаги ибратли ишлар ва камчиликларни таҳлил қиламиз.

Зийрак бобога
З.ШАРИФЖОНОВ,
Д. ИСМОИЛОВ ва
М. ИСМОИЛОВлар
ҳамроҳлик қилишди

КАЙФИЯТНИ КЎТАРАДИГАН МАНЗАРАЛАР



Яшнобод туманидаги "Парвоз" маҳалласи ҳудудидаги 59-уйнинг 3-йўлаги



Чилонзор туманидаги "Катта Қозиробод" маҳалласи, Нурхон 4-тор кўчаси, 1-уйнинг ён томони



Сергели туманидаги "Тинчлик" маҳалласида жойлашган 8-уйнинг 1-йўлаги



Миробод туманидаги "Салар" маҳалласи, 63-уйнинг 2-йўлаги кўриниши



Бектемир туманидаги "Миришкор" маҳалласи ҳудудидаги 29-уйнинг 7-йўлаги



Шайхонтоҳур туманидаги "Қоратош" маҳалласида жойлашган 12-уйнинг йўлаги



Учтепа туманидаги Ал-Хоразмий номли маҳаллада жойлашган 45-уйнинг 15-йўлаги



Яккасарой туманидаги "Қушбеги" маҳалласи ҳудудидаги болалар майдончаси



Мирзо Улуғбек туманидаги "Нур" маҳалласининг 35-36-уйлари атрофидаги болалар майдончаси



Юнусобод туманидаги "Янгиобод" маҳалласидаги 34-уйнинг 4-йўлаги



Олмазор туманидаги "Қичқириқ" маҳалласида жойлашган 49-уйнинг олд кўриниши

...ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР



Шайхонтоҳур тумани "Гулобод" маҳалласидаги 9-10-уйлар оралиғидаги аҳвол



Юнусобод туманидаги "Аҳилобод" маҳалласи 51-уйнинг олд томони кўриниши



Яшнобод тумани М.Улуғбек маҳалласидаги 22-уй атрофидаги ҳолат



Чилонзор туманидаги "Ботирма" маҳалласида жойлашган 2-уйнинг орқа ва ён томондан кўриниши



Учтепа тумани "Қўрғонтепа" маҳалласидаги 50-уй, 4-йўлак аҳволи



Олмазор туманидаги "Бўстон" маҳалласидаги 32-уйнинг 1-2-йўлак оралиғидаги ҳолат



Сергели тумани "Иттифоқ" маҳалласидаги 34-уйнинг ёнидаги ҳолат



Яккасарой туманидаги Ҳамид Сулаймонов маҳалласи ҳудудидаги Кичик Миробод 1-2-берк кўчасидаги аҳвол



Мирзо Улуғбек туманидаги "Умид" маҳалласи 64-уй ёнидаги очиқ ётган қувур



Миробод туманидаги Ат-Термизий номли маҳалладаги 10/1-уйнинг орқа томони



Бектемир туманидаги Ҳ.Бойқаро маҳалласида жойлашган 74-уйнинг 4-йўлаги

Бектемир тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

БЕКТЕМИР ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й, 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 19 январдаги 57/1-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бектемир туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Н.Эшнаев):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (М.Турсунов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Бектемир тумани тармоқ администратори (Б.Нурматов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.bektemir@toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Ерматов зиммасига юклансин.

Бектемир тумани ҳокими
С.Махаметов

2016 йил 30 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Таълим

ҲАМКОРЛИК – ҲАМИША ФОЙДА БЕРАДИ

Тошкент автомобиль-йўллар институтининг маданият саройида ўтказилган тадбир талабаларни турли зарарли оқимлардан, мафкуравий хуружлар ва диний экстремистик гуруҳлардан ҳимоялаш мавзуларига бағишланди.

Унда йўл қурилиши факультетининг талабалари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Институт ректори М. Орифжонов фан ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялашувини таъминлаш, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига эътибор ва мазкур жараёнда нафақат педагогларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам масъулият билан ёндашиши зарурлиги ҳамда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли ҳалокатли таҳдидлар, ёт ғоялар таъсиридан, оммавий маданият хуружларидан огоҳ этиш барчамизнинг вазифамиз эканлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда, ўқув муассасасида талабалар билан профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларида, одоб-ахлоқ тамойилларига риоя этишлари шарт бўлган хулқ-атвор қоидалари ва мажбуриятлари ҳақида ҳам сўз борди.

Йўл қурилиши факультети декани Б.Салимова, мазкур институтнинг профессори С.Қодиров ва бошқалар ёшлар тарбиясида ота-оналарнинг ўрни ва вазифалари, олий таълим муассасасида маънавий-маърифий тадбирларнинг олиб борилиши ва талабалар учун яратилган қулай шарт-шароитлар хусусида фикр билдирди.

Тадбир сўнгида фанлардан аъло ва яхши баҳоларга ўзлаштираётган, жамоат ишларида фаол қатнашган истеъдодли талабаларга институт томонидан ташаккурнома билдирилди.

Дарҳақиқат, ёшлар камолоти ва баркамоллиги мамлакатимиз тараққиёти ва равнақи билан бевосита боғлиқ. Шундай экан уларга сифатли таълим-тарбия бериш, маънавий, мафкуравий таҳдидлардан асраш ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Олий ўқув юртларида, коллеж ва академик лицейларда мунтазам равишда ўтказилиб борилаётган бундай тадбирлар келажак авлоднинг бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлаш баробарида, мустақил юртимизнинг осойишталигини муҳофазалашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА





Темур Мамадаминов олган суратлар

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Соғлом она ва бола – юрт келажаги!" деб номланган кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамкорлигида ушбу танлов шаҳарча ҳудудидаги ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчи-қизлари ўртасида ташкил этилди. Кўрик-танловнинг якунловчи босқичида шаҳарчадаги коллеж ва академик лицейларда таҳсил олаётган 8 нафар иқтидорли ўқувчи-қизларнинг одоб-ахлоқи, чаққонлиги, зукколиги, саломатлик борасидаги билими синовдан ўтказилди.

— "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида доимий равишда талаба-ёшларни турмушга тайёрлаш, уларга соғлом она ва бола тушунчасининг моҳиятини тушунтириш, шунингдек, "Соғлом она ва бола – юрт келажаги!" концепциясини мунтазам тарғиб этиш борасида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ЕК раис ўринбосари Фоят Тўлаганов. — Кўрик-танловнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, бунинг натижасида тенгдошлар орасида дўстлик шаклланади, ўзаро ҳурмат кучаяди.

"Соғлом она ва бола йили"га бағишланган мазкур кўрик-танлов шартига кўра ўқувчи қизларнинг "Мен ўзбек қизиман" мавзусида ўз иқтидорини намоён этиши, миллий урф-одатларимизни акс эттирувчи композиция ва кейинги шартларга кўра оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи омиллардан ҳисобланган пазандачилик қобилиятини намоён этишлари белгиланди.

Қизғин тарзда ўтган ушбу танловда Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Ойдиной Баротова биринчи, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги академик лицей ўқувчиси Раъно Ҳакимова иккинчи, Тошкент маданият коллежи ўқувчиси Дилдора Салимова учинчи ўринни эгаллади.

Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланишди. Ўйлаймизки, бундай тадбирлар бўлажак мустаҳкам оилалар учун замин яратиши, шубҳасиз. Зеро, оила мустаҳкамлиги халқ фаровонлигидан далолат беради.

Зиёда РАСУЛОВА

Қиш мавсумида аҳоли томонидан табиий газдан фойдаланиш эҳтиёжи ортиши барчамизга маълум. Таъкидлаш жоизки, табиий газдан заҳарланиш ва газ иситиш асбобларидан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишга нафақат мавсум давомида, балки бутун умр давомида эътибор қаратиш лозим.

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Айни кунларда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси "Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази" ходимлари томонидан пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва умумтаълим мактабларида "Табиий ва ис гази билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш" бўйича қатор муҳофаза тадбирлари амалга оширилмоқда.

Аҳоли билан олиб борилаётган тадбирларда мутахассислар ностандарт ва сертификатсиз газ иситиш асбобларини харид қилмаслик ва улардан фойдаланмаслик, бино хоналаридан чиқиш эшикларини ҳар хил нарсалар билан тўсиб қўймаслик ва қулай очилишини таъминлаш, қишки иситиш печлари созлиги ва тутун мўриларини ва шамоллатиш каналларини кўрикдан ўтказувчи корхоналар томонидан текширтириш, газ жиҳозлари устида ювилган кийимларни қуритмасликни маслаҳат бермоқдалар.

Шунингдек, газ тармоқлари ва асбобларини ўз вақтида текширувдан ўтказиш; газ иситиш печларининг соз ҳолда ишлашини мунтазам равишда назорат қилиб туриш, тунда уларни ўчириб қўйишни унутмаслик, хонада газ ҳидини сезганда электр асбобларини асло ёқмаслик, ёқилган бўлса ўчирмаслик, зудлик билан эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш ва дарҳол тегишли хизматлар телефон рақамларига қўнғироқ қилиш, болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик ва уларни газ асбобларидан фойдаланишига йўл қўймаслик, олов билан ўйнаш хавфли эканлигини болаларга уқтириб туришни унутмаслик, газ билан боғлиқ ёнғин ёки заҳарланишлар содир бўлганда шошилинч телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, ёрдам сўраш ва бошқа зарур маслаҳатлар берилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Бундай тадбирлар пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган "Оққўрғон" ва "Дархон-3", Юнусобод туманидаги Фирдавсий, "Отчопар-1" ва "Мингўрик", Чилонзор туманидаги "Катта Чилонзор-3", "Катта Чилонзор-2", Учтепа туманидаги Журжоний, Алихонтўра Соғуний, Бектемир туманидаги "Олтинтопган" маҳаллаларида ҳамда Яшнобод тумани ҳудудида жойлашган 166-умумтаълим мактабида ўтказилди.

Аҳолининг газ асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши ҳамда табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тадбирлар режа асосида давом этмоқда.

Азамат СУЮНОВ

Осиё чемпионати — 2016

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Тошкентда футзал бўйича давом этаётган Осиё чемпионатининг чорак финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўз гуруҳида 9 очко жамғариб яққол пешқадам бўлиб олган Ўзбекистон терма жамоаси чорак финалда Ироқ терма жамоаси билан куч синашди. Ушбу учрашувнинг аҳамияти шунда эдики, ғолиб жамоа Колумбияда уюштириладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритарди. Шу боис ҳам баҳс шиддатли кураш-лар остида кечди. Биринчи бўлимда Д.Раҳматов томонидан рақиб дарвозасига киритилган голдан кейин ҳамюртларимиз ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Иккинчи бўлимда ҳам ҳар икки томон ҳужумкор ўйин намойиш этди. Аммо, омад Ўзбекистон футзалчилари тарафида бўлди. Н.Элибоев ва Д.Раҳматов томонидан ироқликлар дарвозасининг аниқ нишонга олиниши туфайли учрашув 3:0 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди. Шу пайтгача ҳали футзал бўйича жаҳон чемпионатида терма жамоамиз иштирок эта олмаган эди. Аммо, бу вазифа уддаланди ва футзал тарихида Ўзбекистон учун янги саҳифа очилди.



Темур Мамадаминов олган сурат

Қолган чорак финал баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Таиланд — Австралия — 6:1, Эрон — Қирғизистон — 7:0, Вьетнам — Япония — 4:4. (пенальтиларда Вьетнам зафар қучди).

Энди Ўзбекистон терма жамоаси ярим финалда Таиланд терма жамоаси билан куч синашади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти келажагимиз бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан бирга уларда инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга хизмат қилиб келмоқда.

"Ватанпарвар"

СПОРТГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Ўсмирлар орасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш ва жалб қилиш мақсадида Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Учтепа Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан Чирчиқ шаҳар Ж.Мангуберди номли спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича шаҳар биринчилиги 1-босқич мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақанинг асосий мақсади ушбу спорт тури бўйича спортчиларнинг маҳоратини кучайтириш, пойтахт терма жамоасига энг кучли спортчиларни саралаб олишдан иборатдир.

— Бундай мусобақалар пойтахтимизда йилдан йилга оммалашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди МК "Ватанпарвар" ташкилоти "Учтепа Ўқув СТК" унитар корхонаси бошлиғи Аваз-бек Рашидов. — Ўтган йили мазкур спорт тури бўйича 55 нафар ёш спортчи иштирок этган бўлса, жорий йилда 69 нафар спортчи беллашди. Мусобақада иштирок этган 45 нафар ўғил болалар учун 4000 метр масофага югуриш, ётиб ва туриб милтиқдан нишонни пойлаш шартлари бўйича ўтказилди. 24 нафар спортчи қизлар мусобақада шу шартларни 3000 метр масофага югуриш бўйича қатнашди.

Қизғин тарзда ўтган мусобақада Тошкент вилояти спортчилари барчадан устун келишди ва ўғил болалар ўртасида 1-ўринни Дилмурод Абдураҳмонов, 2-ўринни Шоҳруҳ Саломов, 3-ўринни Бегзод Бековлар эгаллаб, диплом ва эсдалик совғаларни қўлга киритдилар.

Қиз болалар ўртасида эса 1-ўринни Роза Жуманова, 2-ўринни Шоҳиста Бойназарова, 3-ўринни Камола Очиловалар эгаллаб диплом ва совғалар билан тақдирландилар. Жамоалар ўртасида эса 1-ўрин МК "Ватанпарвар" "Яшнобод ЎСТК", 2-ўрин "ТВСТ ва АТМ", 3-ўрин "Сергели ЎСТК" УК жамоаларига насиб этди.

Бундай мусобақалар албатта ёшларимизни соғлом, матонатли ва жасур қилиб тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ҳисса қўшади.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

I. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сариқўл 2-тор кўчаси, 34-уй манзилида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар.

Бошланғич нархи – 4 471 629 100 сўм.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони – 2722 кв.м.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

II. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 13а-уй манзилида жойлашган 2 қаватли бинонинг ертўласи (гараж қисми).

Бошланғич нархи – 6 279 714 678 сўм.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони – 3210 кв.м.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

III. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган офис ва савдо дўкони мажмуаси.

Бошланғич нархи – 12 055 852 700 сўм.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони – 3640 кв.м.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

IV. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томондаги, 13а-уй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг умумий майдони 915 кв.метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи – 2 462 380 711 сўм

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

V. Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Toshkent Reklama-Servis" давлат унитар корхона тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой ва А.Қодирий кўчалари кесишувида жойлашган 3 х 6 ўлчамли реклама конструкцияси.

Бошланғич нархи – 9 300 000 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Toshkent Reklama-Servis" давлат унитар корхоналари.

Фаолияти ихтисоси: Реклама, ваколатли хизмати.

VI. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси 26-уй манзилида вақтинчалик сақланаётган "Наврўз" савдо комплекси металлконструкция қурилиш материаллари иншооти.

Бошланғич нархи – 6 607 065 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

VII. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси 92-уй манзилида жойлашган собиқ савдо дўкони бино-иншоотлардан иборат мулкий мажмуа.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони 603 кв.м.

Бошланғич нархи – 2 289 051 300 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 29 март, 13, 28 апрель ва 16 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража илиқ, кундузи — 14-16 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли модданинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ